

## Олди-сотди ва ҳақни талаб қилиш пайтида карамли бўлиш



16:10 / 15.01.2019 5483

أَلْحَرُّ هَلْ لَمْ حَرِّ: أَلْأَقَمَّ لَسَوَّهَ لَعْلَلِ الْإِلَّهِ لَيْبَنَّ لِنَعُ، هُنَّ عُلَّ لَلِ الْيَضْرَبُ رِبَّ أَجْنَعُ  
يُذَمَّرْتَلْ أَوْ يُرَاحُ بَلْ هَ أَوْر. يَضْتَقُ إِذْ أَوْ يَرْتُ شَا إِذْ أَوْ عَابَ إِذْ أَوْ أَمْ س

*Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Сотганда, сотиб олганда ва ҳаққини талаб қилганда карамли бўлган одамни Аллоҳ раҳм қилсин», дедилар».**

*Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.*

Мусулмон одам доимо карамли, саховатли бўлиши керак. Айниқса олди-сотди ва ҳақни талаб қилиш пайтида. Бундай пайтда мумсиклик қилиб, тийиннинг устида етти думалаб туриб олиш барака келтирмайди. Балки сахийлик, очиқлик, бир оз ўтиб бериш Аллоҳнинг раҳматига, хайру баракага сабаб бўлади.

Ушбу ҳадисда зикр қилинган Аллоҳнинг раҳмати икки дунёга ҳам хосдир. Мазкур ишларда карамли, саховатли бўлган кишиларга Аллоҳ таолонинг бу дунёдаги раҳмати – молу мулкига, ризқу рўзига барака, ўзига соғлик-саломатлик, фаровон турмуш ва тинчлик-омонлик беришида кўринса, охираатда эса жаннатга киришга сабаб бўлади.

Демак, сотувчи ҳам, оловчи ҳам карамли, саховатли ва хушмуомала бўлишлари керак. Шунингдек, бировдан ҳаққини сўровчи ҳам яхшилик, хушмуомалалик билан сўраши лозим.

“Ҳадис ва ҳаёт” китобидан